

ОИЛДА ЙОССИМЯТ

ВА

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМГАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАХОСИ 10 СҮМ



Суратчи: А. ТўРАЕВ

«НЕГА ЕРГА ҚАРАЙСАН, РАЬНО?»

ЖАМГАРМА
ФАОЛИЯТИДАН



Наврӯзниг келганига ҳам мана икки ҳафтадан ошиди. Бироқ Наврӯз сайли, унинг шодиёнаси ҳамон давом этаётир, давом этаверади. Янги кунинг шарофати сабаб, халқимиз ўзининг саҳоватли эканлигини, бола-жонлигини, меҳр-мурувватини кўрсата билди.

Ўзбекистон Республикаси Болалар жамгармаси ҳам эзининг кам таъминотли, муҳтож хонадонларига, етим ва ногирон гўдакларига шу улуг кунларда хайру-эҳсон кўрсатмоқда.

Болалар жамгармаси ўзининг вилоятдаги бўйлимларига шундай хайрли тадбирларни амалга ошириш учун 480 минг сўм ахратди.

Ушбу маблағ ватанимизнинг келажаги бўлган болаларнинг бир лаҳзалик қувончига сабаб бўла олса биз курсандмиз, дейди жамгарма фоаллари.

УШБУ СОНДА:

ФАРЗАНДСИЗЛИК-
НИНГ ОЛДИНИ
ОЛСА БЎЛАДИМИ?

3-БЕТ

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

ЖУМАНАЗАР БЕКНАЗАР:
НАСЛИНГИЗ ТОЗАМИ?

РЎЗИМБОЙ ҲАСАН:

ТУҒИЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ
КЕРАҚМИ?

ОЛТИАРИҚЛИК
ГЎРУҒЛИ

4-БЕТ

ТОШПЎЛАТ
ТАЖАНГНИНГ
ТЕГИРМОНИ

5-БЕТ

Полвонларимиз ҳаётидан

ХАЙРОН ҚОЛАДИГАН ЖОЙИ ЙЎҚ

Ривоят қилишларича, бир подшо оғва чиқибди. Үзининг мерганилигини бир кўрсатиб кўйиш ўйда учуб келаётган күшни хотининг кўрсатиб:

— Ана шу күшни иккала оёғи жуфт ҳолда уриб тушурман, — дебди. Камоннинг ипини тарағ тортиб, мўлжалга олиб отган экан, ўқ ҳақиқатан ҳам қушнинг бир оёғидан ўтиб, иккинчисига санчилибди. «Қалай?», дегандек подшо хотинига қараб кўйиди. Хотин эса пинагини бузмай, совуқонлик билан:

— Ҳайрон бўладиган жойи йўқ, яхши машқ қилибди, — дебди. Подшо койил қолиб, олишибламагани учун хотинидан газабланниб, ҳайдаб юборибди.

Хотин ўз отасинига келиб, ундан бир бузоқни сиғир олиб беришни илтимос қилибди. Отаси ҳам қизининг райини қайтармай, янги туккан сиғир олиб берибди. Хотин бузоқни ҳар куни оғилнинг томига олиб чиқиб кўяркан. Соғини вактида томга чиқиб, бузоқни елкасида кўтариб тушар, эмизидириб бўл-

гач, яна елкасида томга опчикиб кўяркан.

Шу тариқа ойлар, йиллар ўтибди. Бузоқча катта ҳўкиз бўлибди. Подшонинг хотини эса машгулотни давом эттиравериби.

Бир куни подшо саройига ҳўкиз етаклаган аёл кириб келибди ва шоҳга арзи борлигини айтибди. Рухсат бўлгач, аёлни ҳўкизи билан подшога рўпара қилишибди. Аёл ниҳоятда хушумомалалик билан:

— Подшоҳи олам! Сизнинг донги кетган зўр полвонларингиз бор деб эшигидим. Ана шу ҳўкизни улар кўтара олишармикин? — дебди. Подшо полвонларини чакирибди. Текин томоша деб тумонат одам йигилибди. Полвонлар ҳўкизининг тагига кириб, елкалари билан кўтаришга ҳарчанд үриниш масин, үрнидан ҳам қўзгатишволмабди. Иккى полвон бир бўлиб кўтаришибди ҳам бўлмабди. Уч киши уринса ҳам бу ишни уддайл олмабди. Шунда аёл:

— Энди навбат менга! — дебди-да, ҳўкизни даст елка-

сига олиб, тўғри таҳтнинг олдигача кўтариб чиқиб, юзини очибди. Подшо не кўз билан кўрсикни, үзининг уч ўйил бўрун ҳайдаб юборган хотини. У ҳайратдан ҳангманг бўлиб колибди. Шунда хотин:

— Хеч ҳайрон бўладиган жойи йўқ, олампаноҳ! Бу оддий, мунтазам машқнинг натижаси, холос, — деган экан.

Киссадан ҳисса шуки, киши сабр-тоқат билан мунтазам шугуллансан, истаган натижасига эришини мумкин.

Шифтга термулиб ётган ногориҳан укам! Эртага мен сени кўчада тўрт мучанг соғ холда кўрсам, ҳайрон бўлмайман. Чунки, сен мунтазам машқ билан қасалкини енгдинг. Ҳа, ишонавер! Сен касал эмассан. Фақат үзингда матонат топа олсанг — бас!

Полвон бўлишини орзу килган укам! Сендан албатта полвон чиқади. Озгин гавдағ, ингичка билакларингга қараб ўксинма, астойдил шугулланавер!

Турсун Али МУҲАММАД,
Водиллик полвон



ҚИЗЛАР ГУРУНГИ

Суратчи: Х. МАМАТҚУЛОВ.

Акс-садо

МАЛҲАМСИЗ ЯРА

Бола ўзгаса қўлига ўйинчоқ берилади. Овунсин деб. Мабодо аёл ўзгаса-чи?

Маҳзунга бирдан-бир ўйинчоқдан ҳам маҳрум. Гоҳида шу тўрт девор ютгудек бўлади уни. Қарияларимиз бежизига айтишмаган экан: «Болали ўй бозор, боласиз ўй мозор»—деб. Яхшиямки севкли уни бор. Тұрмуш ўртоги узоқда, чўлда. Шу хонадонга келин бўлиб келибдики, бошиғавғодан чиқмайди. Момояннонаси ҳар доим уни мусоифир эканлигини «ўн тош ошиб келгансан» деб юзига солади. Қайнинглиси Қимматой эса гап билан илондек чақиб-чақиб олади. Бир гап Қимматой Маҳзунанинг дардини чигилади.

Уша куни у қайнопаси Ҳидоятнинг қизини қўлидан олиб ўзга кириди. Бир зум бўлса да ўз гамини унугтиб, болани ўйната бошлиди. Гўёки у билан сирлашиди. Шу пайт ранеи-кути ўнчан Қимматой кириб келди-да қуқирилаб кулаётган болани кўрпадан даст кўтариб олди.

— Чеч (кеннойи)! Эшигит қўйин! Бизда боласи ўйқа бола бермайди. Тўйларга ҳам дэврли айтишмайди, қўшишмайди. Қўшнимиз Ҳадиҷа чечани шундай қилишади. 5 йилдан берि боласи ўйқ. Овсинлари унга боласини ҳам яқинлаштиримайди. Сиздан аниъут из ҳам яхши. 4 та кучуквачча-си бор...

...Мени қалам олиб, ёшишга ундаған нарса «Оила ва жамият»нинг шу ўйл 12-сонидаги босилган Мұхаббат оға Одиловашиг «Болангизни қарғаманг» мақолоси бўлди. Үқиб жуда таъсирландид. Қўпчиликка ибрат бўлса арзийд. Абдулла Ориповнинг қўзибадаги сатрлари ёдимга тушиди:

...Шундайлар бўлмаса агар
дунёда,
Бу қадар муҳтарам бўлмасди
аёл!

Маҳзун! 5 йил бу 10 йилнинг ярми. Ойнинг ўн беши қоронгу бўйла, ўн беши ёргу. Умид қилинг. Ҳудойим сизга сабр-тоқат берисин. Бир кун албатта орзу-умидларингиз рўёбга чиқар. Қўша-қўша бешиклар орасида ўтириши насиб этсин илоё.

Хонбуви МАҲКАМОВА

Етти кун

ҚОРИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Мовароуннар мусулмонлари идораси Мирзо Юсуф маскидидаги навбатдаги Қўръон мусобақасини ўтказди. Ҳар бир ўрин тўрт нафар қорига насиб этди. Ўн беш ёшгача бўлган қорилар басида биринчи ўринни андижонлик Аҳмадулло Латифжон ўғли [ҳибид] ва намангандик Зоҳидилло Боймизро ўғли [тажвид], ўттиз беш ёшгача бўлган қорилар мусобақасида Ҳабибулло Садриддин қори ўғли [тажвид] ва қирғизистонлик Носир қори Мұхаммадзоди ўғли [ҳибид] толиб деб топилди.

ФОЛИБЛАР ҲАЖГА БОРИШАДИ

Ўтган йилгидек, бу ўйл ҳам тўрт голиб бепул ҳажга бориб келадилар. Шунингдек, мусобақа қатнашчиларига Мовароуннар мусулмонлари идораси томонидан иккى минг сўм пул, диний китоблар, қорилар овози туширилган магнит тасмалари улашилди. Ҳориждан келган меҳмонлар ҳам совғалар билан келишибди.

МИЛЛИОННИНГ ЭГАСИ

Ат-Термизий хотирасига бағишилаб ўтказилган ҳалқаро кураш мусобақасида иккى юз қирқ нафар мана-ман деган полвонлар иштирок этди. Иккى кун давомида «Алломиши ноҳии ўйнингхони ўн беш мингта яқин мұхлис обод қилиб турди. Президент соврини-бир милий сўмни Үрол полвон Тўраев майдонининг қоқ ўртасида куртдай қилиб санаб олди. Иккинчи ўринин Рустам полвон Эргашев олди, унга жумҳурят касаба уюшмалари федерациясининг рангли телевизори ва видеомагнитафони тегди. Учинчи ўрин соҳиби — Камол полвон Бойтўраев Сурхондәр ёқимиининг шахсий сорвани — филдай турни миниб, томошабинлар олишиблар остида тўрги ўйига йўн олди. Дарвоҳе, мазкур ҳалқаро турнирда зўр деб топилган ҳар уччала полвон ҳам сурхондарёлинидир.

ИНСОФ ЧАЙҚОВЧИДА ҲАМ БОР

Наврӯз арафасида Ҳоразмда етим-есирлар учун телемарафон ўтказилди. Марафончилар Ҳазорас туманида бўлишганида шу ердаги машҳур чайқов бозорига ҳам қадам ранжида қилишиди. Бор-кўғи ярим соат давомида бозорнинг кунда-шунда эгалари 300 минг сўм ҳайрия беришида.

«ЧЕМПИОН»НИНГ ЎЛИМИ

Самарқандлик ишқивоз Наврӯз кунлари Бёёвутда ўзининг чемпион ҳўрзинин «жанғига солди. Лекин чемпион ишончи оқламади. Ишқивознинг жаҳни тез экан, тоғи шаллайи қолган ҳўрзин шартта ҳалоллаб, қўя қолди ва шу ернинг ўзида голиб ҳўрзини эллиғ мингга сотиб олди.

МАШИНА ТАҚИМИДАГИ УЛОҚ

Муборакда кўпари томошасига йигилган ўн минг томошабин-у, минг ҷоғли чавандоз кўпариғига ташланган катта серкани томоша айни қизигандига ким ўйирлаганини билмай, додга қолишиди. Ўйин сөвб, чавандозлар қони қизиди. Улоқни машина тақимига босган ўғриларни биронта чавандоз тутолмади.

«НАВРЎЗ» МАДРАСА ТИКЛАМОҚДА

Милий байраммиз арафасида Хива бўлиб, эл дардини тинглаб қайтган «Наврӯз» жамғармаси ранси Дадаҳон Ҷўқубов қадим қалъанинг таъмирлашга мұхтож обидаларини ҳам зиёрат килди. Хива қокими Эркин оға Раҳмоновнинг қувониг айтишибча, жамғарма бошқони мамлакатимиз тарихий обидаларини таъмирлаш учун эллиғ милиён сўм ақрарига вазда борган. Жамғарма Ичон қалъадаги Феруз мадрасасини қайта таъмирлашга ушбу маблағнинг катта қисмини сарфламоқчи.

МУХБИРЛАРИМИЗ ҲАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ



Суратчи: Ҳ. САЙДОВ



Суратчи: А. САПАРМАТОВ

Жуманазар БЕКНАЗАР:

ФАРЗАНДСИЗЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛСА БЎЛАДИМИ?

Ҳар бир жарабининг бошланиш ва тугалланиш нуқтаси бор. Табиатнинг кичик бир заррачаси-инсон организмидаги ҳужайраларнинг кўпайиши, ўз вазифасини бажариши ва аста-секинлини билан сўниши ҳам худди шундай, яъни насл калити нимани белгилаб берган бўлса, шу тариқа ҳаёт жарабени давом этавради. Табиат ато этган кўпайиши аъзосининг «мотори» юргизиб юборилганидан кейин ишлаши, ўз вазифасини ўтаси учун унга зарурий шароит керак. Агар у етарли бўлмаса, «мотор» одатдагидай ишламайди, муддатидан олдин бўйигиди. Бу эса инсоннинг дард, азият чекишига олиб келади.

Нематжон Фазилатхон билан турмуш қурғанларига 8 йил бўлди. Аммо фарзандлари йўқ. Иккакасининг ҳам юрагининг бир четидаги пайдо бўлган губор руҳият қатламарини тобора кора булутдек камраб олиб, гоҳи-гоҳида Фазилатхоннинг кўз ёшларига айланарди.

Анча елиб-югуришлардан кейин, ниҳоят айб Нематжонда эканлиги аниқланди. Унда табобат тилида «Крипторхизм» деб аталган түгма дард бор экан. Бу дард ўз «хунарияни насл «мотори» — уруғдонларга кўрсатиб, уларни бир умр майб қилган, бу майбайн энди ҳен қаёнросланмас холга келиб улгурганди. Дори-дармонлар ҳам, жарроҳлик ҳам бефойдан.

Крипторхизм түгма дарди уруғдон (мояк)ларнинг бирининг ўз иккакасининг ҳам ўз табиий жойи-ёргоқа тушмай, бола қоринда ёки човканалида тутилиб қолишидир.

Уруғдонларнинг ўз ўрнида унинг нозик тўкимларига салбий таъсири кўрсатади.

Сатади ва йиллар ўтиши билан бу ўзгаришлар кучаявреди. Оқибат шу даражага етади, уруғдонлар нобоб, нимжон, ҳаракатсиз, касал уруғлар ишлаб чиқара бошлади. Ва ниҳоят, тамомон уруғ ишлаб чиқариш хислатидан маҳрум бўладилар.

Нега? Ахир уруғдонлар борку? Организмнинг қай жойида турганинг нима фарқи бор, деб савол беришининг мумкин. Ҳамма сир шундаки, уруғдонлар вазифасини ўтаси учун эркин ва озод, атрофидаги тўқималардан ҳеч бир қисишишиз мавжуд бўлиши шарт. Демак, уруғдонлар ҳурлини хушлашади. Мана шу шароит бўлмадими, тамом, унинг ҳужайралари ишлашдан бош тортби, ҳатто ривожланмай ҳам қўяди.

Ривожланган хорижий мамлакатларда крипторхизм билан түғилган бола катта чилласи чиқмасдан туриб операция қилинади. Бу жуда ҳам тўғри усул. Улар, уруғдонлар қаҷон ёргоқка тушар экан, бормикан ёки йўқмикан, деган фикрларга боришмайди. Барча масалани операция столида ҳал қилиб қолади. Бизда чи?

6 яшар бола операция қилинди. Ўнг томонида ҳам, чап тарафида ҳам уруғдон топилмади. Синклиплаб, обдон текширилганда ўғил болада қизлик жинисик аъзолари борлиги аниқланди. Энди ўнга келажакда она бўлиш учун пластика операцияси қилинса кифоя этиб. Бирон ота-онаси рози бўлишмади. Сабаби, улар ўғил болани «тилаб» олишган, ҳатто тўй қилишиб, элга ош тортишган. Бехосдан ўз қишлоқларига ўғил билан эмас, киз бола билан бориша қанақа бўларкан! Мана ота-онани ўйлантираётган

жумбоқ. Аммо у ўғил бола бўлиб яшаш мумкин, бироқ ундан фарзанд бўлиши мумкин эмас. Агар шу бола туғилганидан кейин кўп ўтмасдан операция қилинганида эди, ҳеч бўлмас, 1 яшарлигида текширилганида эди, табиат ато этган ҳато тузатилен бўлур эди.

Оддий ҳақиқатни тушуниб олмоқ лозим. Крипторхизмда болани ҳеч нарса безовта қилимайди. Демак, улар шикоят қилишмайди. Агар уруғдон ёргоқка тушмаганингига тургуконаларда эътибор қилинмаса, ота-онасининг наэзарига тушмаса, боланинг ўзи буни, яъни ўзида крипторхизм норасолиги борлигини қўёқдан ҳам билисин! Билганинда эса кеч бўлиш эктимоли кўпроқ. Мана шу эктимол ҳақиқатга айланганида эса унга ёрдам беришинг мутлақо иложи бўлмаслиги мумкин. Чунки ҳаракатчан, уруғлантиришга лаёқатли уруғлар бўлмайди, энди уларнинг заҳираси ўлган!

Мана шу қабилдаги ҳолинг умуман бўлмаслиги учун ҳар бир ота-она «Боламда мабоди крипторхизм бўлмасин тагин...» деб фарзандининг ёргоқ соҳасини бир бора кўздан кечирса, гумон бўлган ҳолларда уларни мутахассис дўхтиргларга кўрсатса ҳамда бу норасолик бола 1,5 ёшга етганича операция қилинса айни мудда бўлур эди. Буни асло унутмаслини керак.

Агар бу норасолик онда-сонда учраб турганда эди, бунчалик куйини гапиришнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Бироқ ҳар 200—300 чақалокнинг биринада крипторхизм норасолиги учрайди. Биз эса лоқайдимиз. Ҳатто шу кунларда ҳам уруғдон ёргоқка тушмай колганлар 28—30 ёшларда операция учун кельмоқдалар.

Халқимиз «Ўлимдан бошча нарасининг эртароқ бўлгани яхши» дейишида. Минг йиллар давомида ҳаёт тажрибасидан ўтган ҳақиқий доно гаплар. Бир марталик хато ёки эътиборсизлик билан фарзандларимизнинг бахти келажатига болта урмаслик учун синчков бўлишимиз зарур.

Иккинчи шароит — улар учун ҳар доим бир хил ҳарорат бўлиши зарур. Улар қорин бўшлиғида ёки чов каналида тутилиб қолганда эса, биринчидан тўқималар томонидан эзилади, иккинчидан керагидан юкориро ҳарорат остида бўлади. Демак уруғдонлар факат ёргоқдагина тўқис ривожланниши ва вазифасини самарали бажаришни мумкин.

Крипторхизм дардининг давоси ҳозирги пайтада топилган — операция. Агар уруғдонларнинг нозик ҳужайраларида салбий ўзгаришлар бўлмасдан турб операция бажарилса, олам гулистон. Мабоди ўз вақтида операция қилинмаса бемор фарзандсизлик дардига йўлиниши мумкин.

Вилоятларнинг биридан ўғли билан отаси келишиди. Боли

«муолажа» усулини қўллашган. Аммо натижка бўлмабди. Операция қилинганида чап томонидаги уруғдони бутунлай атрофияга учрагани мълум бўлди. Энди унинг тақдирин қандай бўлар экан?

Бошقا бир крипторхизмга дучор бўйлган боланинг қалинлик баёни ундан ҳам антица. Узин экстрасенс, деб атаб юрган шах «Э... э... шунга ҳам шунча ташвиши? Мен 10 марта сеанс берганимдан кейин болангиз эрталаб 10 марта, кечкурун 10 марта иргишиласин, тушиб кетади» деб айтиби. Бола қанча сакрамасин «шўринг кургур», кулоги том битган» уруғдонлар тушай ҳам демабди.

Ҳар бир нарсанинг ўз конунни бор. Уруғдонлар ёргоқка тушмай қолишининг асосий сабаби — ҳомила она қорнида маҳалла уларнинг ёргоқка тушши йўлида тўсиқ пайдо бўлишидир. 95 фоиз ҳолларда ана шу ҳолат сабаб бўлади. Бу тўсиқни жарроҳлик йўли билангина бартараф этиш мумкин.


Бу түғма норасоликни аниқлашинган ҳен бир кийин томони йўқ. Уруғдонлар чов соҳасидага кўлга уннаши ёки умуман йўқ (улар қорин бўшлиғида ётадилар) бўлиши мумкин.

Савол түғилади. Ҳуш, крипторхизмни қайси ёшда операция қилиган маъқул? Агар крипторхизм 1,5—2 ёшгача операция қилинса, фарзандсизлик дардига чалиниш эктимоли 12,5 фоиз, 3—4 ёшларидаги бажарилганида эса 42 фоиз бўлади. Мабоди 5—8 ёшлик пайдидаги жарроҳлик



Суратчи: Ҳ. САЙДОВ

ла уч яшарлигида ёки унда ўнг томонламида крипторхизм борлиги аниқланган. Номи чиққан машҳур табибиа кўрсатишган экан, у киши «Тошбақанинг тухумини топиб, эзиз мояги йўқ жойга боғлаб кўйсангизлар», дард кўрмaganдай бўлиб кетадиган деб айтиби. Улар иккни баҳорда бўлиши ҳам шунчалик ошаверади.



Қобилбек Каримбековни яхшилаб таништириб ўтишининг дожати бўлмаса керак. У киши «Дунё хабарлари», «Оламда нима ғап» каби ҳалқаро кўрсатувлар, радио тўлқинлари орқали кўнчиликка таниш, ўз мухлисларини топган. Ёши 37 да. Асли касби — тарихчи. Гурзуҳ, Шоҳруҳ, Беҳрӯз, Шоҳсанам, Шоҳжоҳон ишмали шиншакар болаларнинг отаси.

— Қобилбек ака, сизни деярли ҳар куни онман яхондан кўрмб, радиодан овознингизни эшиттаётган мұхлисларнингиз учун шахсий ҳайтигиниз, оиласигиз ҳақида иккни оғиз...

— Отам тошкентлик, онам Хоразм юритидан. Оиласизда 5 ўғил, 5 қизмиз. Мен энг кенжасизман. Аёлим Гуландомхон ҳам хоразмлик. Тошкентнинг тарихи факултетидан 5 йил бирга ўқиганмиз. Шундай оқила, пазандан, ораста умр йўлдошни учратган толеним розиман.

— Назаримда, ёшлигингизда анча мўмин-қобил бола бўлгандекисиз...

— Э, йўқ. Ёшлигимда жуда шўх, қайса бўлгандим. Болалар билан футбол ўйнаганимда роса жанжаллашиб, уйга ҳар куни пешонамни фурра килиб келмасам бўлмасди. Болалигим далада ўтган. Биз яшаган жойлар зилзиладан один қишлоқ эди. Кун бўйи 1-2 халта ўт юлардик. Лекин мактабда яхши ўқиганман.

14 йилдан бўйин дорилғунунда ўқитувчи, катта ўқитувчи бўлиб ишлаб келяпман. Хозир тўлиқ сиёсий шарҳ-

ловчилик вазифасига ўтдим. Бирок, педагогик фаолиятимни тўхтатмоқни мусасман. Талабалар менга ёшлигимни эслатиб туришади:

— Жумхурятлар, жумладан Ўрсиянинг сиёсий шарҳловчилари билан ўзаро муносабатнингиз қандай? Кимларга ҳавас қиласиз, сиёсий шарҳловчилари учун нималар зэрур деб ўйлаймисиз?

— Айни пайтда Ўрсиянда мен ҳавас қиладиган сиёсий шарҳловчи йўқ. Улар сүфлёрдан ўқишиади. Масалан, «Новости», «Вести»даги сиёсий шарҳловчилар. Шўнинг учун хозиргиларга қойил қолмайман. Илгариги сиёсий шарҳловчиларга ҳақиқатдан ҳавас килардим, ўрганардим. Ўрсиянинг Истроидаги элчиси бўлиб кетган Александр Бовин, Игорь Фусуненко, 1982 йил Тошкентга мехмон бўлиб келган шарҳловчи Александр Каверзин (1983 йилда вафот этиди) ҳақиқатидан кишилар эди.

Сиёсий шарҳловчилари учун жiddий тайёргарлик зарур. Кўн журнал, газет ўқиши, илмий ахборотлар билан танишади.

шиб бориш, иложи борича радионинг турли каналларини («Би-Би-Си», «Америка овози», «Немис тўлқини» ва ҳ.) узоҳ рус, ҳоҳ ўзбек тилида бўлсин, мунтазам эшитиб бориш керак.

— Ҳар бир қўнингиз ҳалқаро воқеалар билан боғлиқ, бевосита танишиб борасиз. Уларни танлаб олиш жараёни қандай кечади? Ўзингиз ҳам хорижда бўлганимисиз!

— Эркинлик бизга кўп нарса берди. Ҳалқаро воқеаларни Узбекистоннинг ташки сиёсатига боғлаб ёритишига ҳаракат қиласиз. Авваллари Буш секретар маърузасидан, кераксиз ҳужжатлардан «Фойдаланинг», деб буйруқ бериларди.

Хорижда бўлмаганман. Насиб бўлса, бундан кейин хорижга бориб, ўша

— Талаба ҳалқининг «қизиқ»лигига кўшиламан. Имтиҳон даврида тала-балар ўқитувчилар билан илик муносабатда бўйлаб, қуюқ саломлашиб, мулойимлашиб, гирдикапалан бўйишларига ўрганиб қолганимиз. Қиз болалардан ҳам, ўғил болалардан ҳам билим талаб қиласаман. Буни эса ҳамма тала-балар ҳам ёқтиришавермайди. 15 йиллик педагогик фаолиятим шуни кўрсатдик. Тошкент шаҳрилик тала-ба йигит-қизларга Караганда (улар ўз ота-онасининг бағрида) вилоятлардан келган тала-баларга тан бериш керак. Улар яхши ўқишиади, интигувчан, тиришк бўлишиади.

— Машинагиз ҳам бордир!

— Тўрт акамнинг ҳайдовчилик гу-вохномаси, машинаси бор. «Шу машиналар менини», деб ҳазиллашасам, улар «Миниб юр» деб ҳазиллашади. Лекин машинага қизиқмаганман. 10 йилдан кўпроқ ҳукукшунослик факультети (ҳозирги Ҳукук инсти-

«АНОВУ ТЕЛЕВИЗОРДА ЧИҚАДИГАН БОЛА-КУ»

ернинг ўзидан сухбатлар, репортажлар қилини ниятим бор.

— Бўш пайтлари нималар билан шугулланышни хуш кўрасиз? «Шу қасбни бекор танлабман» деб ўйлаймисиз?

— Йўқ. Қасбимни севаман. Уйда кўпроқ меҳнат қиласаман. Янги ўй-жой ташвишидамиз. Иш кўп. Фиши куяман, тераман. Ҳовлини беш ака-ука бирга, уста олмасдан ўзимни курдик. Ҳовлига эккан дарахтларидан ўтган йили ҳосил олдик. Қилган ишингнинг натижаси жуда ширин бўларкан.

— Талабаларнингиздан нимани кўпроқ талаб қиласиз: интизомними ёки билимни?

— Ҳар иккаласини.

— Талаба ҳалқи қизиқ, домлалар ҳакида ўз «फалсафа»лари бор. Масалан, эркак домлалар қизларга, аёл ўқитувчилар эса йигит болаларга, айнича, имтиҳон сессиясида яхши муносабатда бўлишиади, деб зир тираб юришиади. Шунга қўшиласизми, домла сифатида қизларга муносабатнингиз?

тути)да дарс бердим. Ўша ерда юзлаб ДАН ходимлари ўқишиади. «Машина хайдашни ўрганиб олинг, ёрдам биздан», деганлари жуда кўп бўларди: Қизиқмасанг қийин экан. Машинаси бор олдамларга ҳавасим келади. Лекин мэнда ҳам соглигимга фойда келтирадиган велосипедим бор.

— Сизни кўчада таниб қолишиади-ми?

— Бўлиб туради. Аксарият ёши каттароқ, ҳалқаро воқеаларга қизиқадиган қишилар келиб «ўзим»ми ёки «бошқа»лигимизни сўрашади, раҳмат айтиб ўзларининг таклифларини билдиришади. Еш болалар орасида саломни унтиб: «Анову телевизорда чиқадиган бола-ку» деб «ҳазиллашиб», бир-бирини туртадиганлари ҳам учраб туради.

Марҳабо АҲМЕДОВА

ОЛТИАРИҚЛИК ГЎРЎҒЛИ

Гўрўғли акани Бўрбонлиқ. Қишлоғига ҳамма танийди. Ёши олтишиларни қоралаб қолган, ўтра бўйли, келишган, қуюқ қора соқоллини киши экан. Бошига хушибичим салла ўраб олган. Юзига бир қарашан одам унинг мағрут инсон эканлигини дарроғ пайқаб олади.

— Сиз ўлиб тирилганмисиз? — деб дўйладим, даб-дурустдан. Лекин гапни айлантириб-айлантириб шунга олиб келдим.

— Гапнинг рости,— деб гап бошлади Гўрўғли ака,— ўзим ҳам бу воқеани одамлардан эшитганман. Айтишларича, ёшлигингиз тўстадан дамим ичимга тушиб, «ўлиб» қолган эканман... Қебрдан қайтиб чиқанлигим учун ҳам Гўрўғли дейишиш экан. Асли исиммим Тўхтасин... ўзи бунинг қизиги бер экан...

Тўхтасин ака нимадан дарсида қилди, шекилини, бошқа гап айтмади. У киши

нинг ўзи билан ишим битмаслигини тушундим. Ҳайрлабиши, иниси Омонбек аканинга бордим. Ғазетадан эканлигимизни, акаси ҳақида ёнши маъксидада келганингимни билгач, сезилар-сезилмас ҳаяжон билан акаси Гўрўғли ҳақида эшитганларини гапира кетди:

— Акамни илгарилари Гўрўғли деб чакиришса ҳайрон бўлардиди. Қейин гапни айлантириб-айлантириб шунга олди.

— 1939—40 йиллар. Ўша пайтларда онамиз Дўтири қишлоғига яшар эканланар. Кун кўриши анча оғир бўлиб, одамлар, айнича, ёш болалар очлик ва ҳар хил касалликлар туғайли кундан-кунга ўлим кўпайиб борар, кун оралаб қишлоғининг қайтидирик конадонидан албатта ўзини дардга олдирган бир инсоннинг жасади чиқаркан. Бунга бизнинг онамиз ҳам, қўни-қўнишлару қариндошуроғлар ҳам кўнишиб қолишиган экан. Навбатдаги тобут

кимининг ўйидан чиқишини ҳеч ким билмаса-да, ҳамма ҳадиксираб яшар экан. Кутимаганда акам Тўхтасин ҳам жон таслим қилибди.

Тупрокқа кўйиб, қайтиб келишгандан кейин, эртасига қабристон четидаги пахтазор сувга тараф юрган сувчи йигит янги қабрдан товуш чиқаётганини пайқаб қолибди. Кўрқа-писа қабрни очибди. Қараса... оппоқ кафана гўрўғли ҳолда, боши лаҳат шифтига тегиб-тегмай, акам ўтирганини...

— Эскитдан бир гап бор: «Агар лаҳатда бошинг шифтига тегса — ўлгансан, бордюнг тегмаса — тириксан» деган. Бу ҳам Оллоҳнинг марҳамати. Елғиз ўзи қодир бундай мўъжизага...

— Омонбек отанинг қайноғаси Раҳматжон тоға ҳам бу воқеани ҳали эсларидан чиқармаган гаройиб



Суратчи: Ф. ПРИМОВ

— Ўшанда бутун қишлоқда дув-дув гап тарқалган эди,— дейди тоға.— Ҳамма Оллоҳнинг каромати бу, дейишдан нарига ўта олишмаган эди. Бўлмаса, ер тагида, зимиштонда жон сақлаб бўлармиди!

— Тўхтасин дафи этилган қабристон ҳозир ҳам бор, Янгирабон қабристон бўланбади. Ҳамкишлопримни орасида ўзига яршига ҳурматга эга. Мехнаткаш, соғдил инсон.

Алишер ХОНКЕЛДИ
Олтиарик тўмани

КОМПЮТЕРДА РАСМ ЧИЗИШ МУСОБАҚАСИ

Болалар жамгармаси қошидаги Компьютер техник маркази ЭҲМда графика ва расм чизиш бўйича мусобақа эълон қиласди. Тасвирлар паст ва юкори компютер графикасида чизилган бўлиши мумкин.

Расмлар истаган маъзууда бўйича, ҳажман чегараланган ва дисплей майдонини тўлароқ эгаллаши керак.

Дастурлар «Бейсик» тилида тушини лозим. Тошкент шахрида яшовчи ўқувчилар ва болалар тузган дастурларини тўғри Компьютер марказига олиб келишига ҳам бўлади. Уларнинг мамлакатимиз ашловат ва туманларида яшовчи ўқувчилар ёса дастурларини орқали юборишлари мумкин. 11 маъжака қабул қилинган дастурлар талқовда шитирок этади.

Биринчи учта ўринни эгаллаган дастур муаллифларини соворинлар кутади.

Республика Болалар жамгармаси Компьютер техник маркази.

КИМКИ ЎЗИДА БИРОР ОФРИК СЕЗСА ҚИЛАДИГАН ИШ ВА АЙТИЛАДИГАН ДУО

«Завъядака аълал-лазий тъаллама мин жасадика ва қўл: бисмиллахир раҳмонир роҳийм» денг ва яна етти марта: «Аъувзу зиллахи ва қудратихи мин шарри ма ажиду ва уҳозири» — денг.

Маъноси: Кўлингизни оғриган жойга кўйиб уч марта: «Бисмиллахир раҳмонир роҳийм» денг ва яна етти марта: «Аъувзу зиллахи ва қудратихи мин шарри ма ажиду ва уҳозири» — денг.

КЎЗ ТЕГИШЛИГИДАН САҚЛАШНИ СЎРАБ АЙТИЛАДИГАН ДУО

Иза роҳа аҳодукум мин аҳниҳи ав мин нафсиҳи ва мин малиҳи ма юъзажиҳу (фаяльду лаҳу бил баракати) фа инналайха ҳаққу.

Маъноси: Кимки биродарида ёки ўзида ёки молида ўзини ажаблантирадиган нарсани кўрса: «Бас, унда барака бўлсин» деб дуо кўпсинг, чунки кўз тегишлиги ҳақиқатда бор.

ЯНГИ ПИШГАН МЕВАНИ КЎРГАНДА ҮКИЛАДИГАН ДУО

Аллоҳумма барик лана фий самарина ва барик лана фий мадийнатина ва барик лана фий соиъна ва барик лана фий муддина.

Маъноси: Эй бор-худоё, меваларимизга барака бер ва шаҳарларимизга ҳамда соларимизга (ўлчовларимизга) барака ато қилгил.

«ЮЗ БИР ДУО»ДАН ОЛИНДИ

МАСЛАҲАТЛАР

Шимингиз таҳи узоқроқ турсин десанги, газламанинг тескари тоғонидан тах изига қуруқ союн суринг, сўнг ўнгини ағдариб дазмол уринг.

Эшик-дераза ромлари ювилгач, уларни қуруқ, тоза латта билан артилади. Акс холда, ромларда, ойнада сариқ доғлар ҳосил бўлиши мумкин.

Буюмлардаги дазмол саргатирган доғларга пиёз суви суруб кўйиб бир неча соатдан кейин ювилсага дод кетади.

Рангдор пойафзандаги доғларни яримта пиёз билан артиб кетказса бўлади.

Тунука буюмлар, пичок, вилка ва қошиклардаги доғни, зангни пиёз кетказади, лакланган туфлини ялтиради.

Картошка пўстлоғи билан гиламларингизни тозалашингиз мумкин. Бунинг учун картошка пўстлоғини сувга чайб, бироз селигач, гилам устига сочинг-да, супрги билан бир-икки бор супуриб юборинг.

Уйкуга ётишдан олдин уйга нам латта осиб қўйилса, уйдан тамаки хиди йўқолади.

Ширгуруч пишираётганингизда қайнаб турган қозонга шакар сола кўрманд. Акс холда гуруч эзилиб, ширяча ўхшаб қолади. Шакарни қайнок сувда эритиб, ширгуруч пишишига яқин қолганда кўшиб юборсангиз гуруч донадор бўлиб туради.

Хамир қилинадиган ун тоза бўлса ҳам, уни элаш лозим. Эланмаган ундан хамир тайёрлаганди, кўпчиши узоққа чўзилади.

Ҳар қандай таомни вақтингизга қараб паст оловда узоқ пиширангиз шунча мазали бўлади.

Дераза

ҚУЁШ НУРИДА ТОБЛАНМАНГ

Кунлар исиб, баданин күёш нурида чинтиридаги дамлар ҳам яқин қолди. Лекин сиз шошилманг. Тибиётчиларнинг айтишича, офтобда чиниқан бадан мисдек тобланни ҳавасини кептириши билан бирга жиддий касалликларга ҳам сабаби бўлмоқда. Врачлар айниқса кейнинг ўн йилликда инфракизил нурлар тъсирида террида янги хавфли ўスマлар пайдо бўлётганидан қаттиқ ташвишланмоқда. Ҳозирча бу касалликка чалиниш Австралия, янги Зеландия, АҚШнинг жанубий туманларида кўпроқ кузатилмоқда.

МУВОЗАНАТ БУЗИЛГАЧ

Бенгал қўлтиғини денгиз илони босиб кетди. Натижада соҳилбўй атрофида балик тобора камайиб бормоқда. Бунинг сабаби балиқхўр овчилар тўрларига илинганд балиқларни олиб, худди шу жонинорларни еб кун кўрадиган денгиз илонларини эса кўйиб юборишида экан.

[Р. Т.]

АЕЛИНИНГ БОБОСИ

«Роллинг стоунз» гурухининг собиқ иштирокчиси Билл Уэйманинг шу кунларда ичидаги кечётгандаги ёлғиз худога аён. Чунки яқинда ўғли собиқ аељининг онасига уйлаюмоқчи бўлаётганидан хабар топиб қолди. Шундай қилиб Билл Уэйман собиқ аељига бобо бўлиб қолса ажаб эмас.

[БИ-БИ-СИ]

ОРТИҚЧА ВАЗН ҶАЙФУСИ

Американинг «Юрайтед эйрэнз» авиакомпаниясида хизмат қулиувчи 1.600 стюардесса хоним мабодо тез кун ичидаги қоматини яхшилаб олмаса ишидан ажрабиши мумкин. Компания мутасаддилари вазн мезонини белгилашда бўйича қарийб икки йил тадқиқот олиб боришиди. Вазн мезонини белгилашда ёш ҳам ҳисобга олинган. Масалан, бўй 1 метр 62 сантиметрли 30 ёш хонимнинг вазни 60 кг бўлиши шарт. Мабодо унинг вазни меъёрдан 5 кг ортиқча бўлса у 10 кунга ишдан четлатилади. Агар хоним ишдан ажраби қолмай деса шу вақт ичидаги хулоса чиқариб олиши лозим — озиги ултариши керак.

[Р. Т.]

ҚЎЮВЛИ ҚОЛГАН ЭКАН

Франсия политсиаси хонадонлардан бирдаға ғалати ўлимнинг гувоҳи бўлди. Гап шундаки, дам олиши хонасида телевизор кўювли турар, оромкурсиде эса хонадон соҳибининг скелети «ўтиради!» Кейин маълум бўлишина, ўлим ўн ой олдин рўй берган. Сабаби-ҳозирча номаълум. Қизиги, телевизор ўша машъум кундан бери ишлаб турган экан.

(РТР.)



— КАТТА ЙИГИТ БЎЛИБ ҚОЛДИНГ, БОЗОР ҚИЛИШНИ ЎРГАН

Суратчи: С. МАҲКАМОВ

Табриклиймиз!

ҲИЛОЛАХОН! 11-апрел — таваллуд кунингиз муборак бўлсин. Баҳор кайфияти сизни ҳеч қачон тарқ этмасин. Умрингизнинг катта қисми хушнудлик ила ўтсинг, деб чўйлон кўзларинеизнинг шайдоси АБДУНАБИ. Жиззах шаҳри.



ОНАЖОН!

Кутлагу 60 ёшининг муборак бўлсин. Баҳтизизга ҳамшиша сөг бўлинг. Фарзандларингиз. Самарқанд вилояти, Нуғробод тумани, Киличи қиши-

логи. ХОЛБОЕВЛАР ОИЛА-СИ.

ҚАҲРАМОН! Сени тугилган кунинг билан чин юракдан табриклийман. Умринг узун, сизибанг бутун бўлсин, баҳтизизга доимо омон бўлгин. Оллоҳ сенга мададкор, кўйглини ҳар доим баҳор осмонидай тиник бўлсин. Аканг АЛИМАРДОН. Тошкент шаҳри четида ҳовли-үйда ёлғиз ўзим яшайман. Тетик-бардамман, зарапли одатим йўқ. «Оила—174»

Падари бузрукворимиз, «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги бошкарувининг раиси НУТФУЛЛО ИСМАТИЛЛАЕВни 8-апрел тугилган кунлари билан табриклиймиз. Баҳтизизга доимо согу саломат бўлсинлар. Келгуси шиларига омад тилаймиз. Оила аъзолари номидан ўғиллари НАСИЛЛО. Бухоро вилояти, Ромитон тумани.

Оила

60 ЁШДА

Мен сингари ёлғизлик азобида қийнапаётган, ўрта бўйли, 50 ёшлар атрофидаги муслима ўзбек аёни билан оилавий турмушни давом этказмоқчиман. Тошкент шаҳри четида ҳовли-үйда ёлғиз ўзим яшайман. Тетик-бардамман, зарапли одатим йўқ. «Оила—174»

40 ЁШДА

Самарқандликман. Университетда ўқиётган давримда автоупов билан фалокатга йўлишиб, ногирон бўлиб қолдим. 20 йилдан бўён юролмайман. Ота-онам вафот этишигач, ёлғиз қолдим. Ёши ўзимдан келик, тенг ёки каттароқ (болалари бўлса ҳам яхши) меҳрибон, ғамхўр аёлга муҳтоҷман. Топниши ёмон эмас. Радио-тевизор, магнитофон тузатувчи устаман. Ҳар куни 500—1000 сўм топниши мумкин. Пур жамғарғанман. Агар ўзик қалбимга малҳам бўлувчи ўмр йўлдош топилса бошим кўкка етарди. «Оила—175»

19 ЁШДА

Сурхондарёда яшайман. Касаллик турғалини ўролмайман. Ота-онам йўқ, момом, бобом кексайиб қолишган. Оиласизнинг охирги аводимиан. Менин тушунадиган, қийинчиликлардан кўрқмайдиган, меҳрибон, одоби, маъсумагина бир қизга интизорман. Дардли ўрагимга йўл топган инсонни Яратганинг ўзи қўлласин. «Оила—176»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «НАВРЎЗ» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИННИГ
ХАЙРИЯ ЛОТЕРЕЯСИ БЎЙИЧА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДА ТОШКЕНТ
ШАҲРИДА ЎТҚАЗИЛГАН ТИРАЖНИНГ

РАСМІЙ ЖАДВАЛИ

Тиражда лотереянинг ўн разрядига умумий суммаси 100 млн. сўмлик 219000 та пул ютуқлари ўйналди.

Кириллица: К тиражи лотереянынг бир разряды - 5 зиндик. Жадвала күрсатылган барча иштактар лотереянын бошقا разрядлари шундай серия ва ракамларга эга бўлган чипталарга ҳам тўланади. Масалан, серия раками 007726, чипта раками 007 бўлган

реками 667720, чиста реками 667 670 м

Серияси	Чиптанинг тартиб рақами	Ютуқнинг миқдори	Серияси	Чиптанинг тартиб рақами	Ютуқнинг миқдори
000051	053*	2500 сўм	004740	063*	25000 сўм
1 38	1—100	50 сўм	005059	092*	50000 сўм
000189	031*	100000 сўм	005072	038*	25000 сўм
000210	1—100	50 сўм	005145	066*	2500 сўм
000279	012*	100 сўм	005172	053*	25000 сўм
000323	012*	1000000 сўм	005178	1—100	50 сўм
000342	092*	100 сўм	005181	1—100	50 сўм
000548	032*	1000 сўм	005249	044*	10000 сўм
000622	059*	1000 сўм	005261	097*	1000 сўм
000645	062*	100 сўм	005308	080*	10000 сўм
000826	090*	500 сўм	005315	065*	100000 сўм
001081	067*	2500 сўм	005327	076*	50000 сўм
001103	031*	2500 сўм	005339	018*	100 сўм
001123	024*	100000 сўм	005349	058*	5000 сўм
001194	075*	2500 сўм	005372	1—100	50 сўм
00205	097*	100000 сўм	005429	096*	50000 сўм
410	024*	10000 сўм	005490	020*	1000 сўм
001452	025*	1000 сўм	005551	1—100	50 сўм
001480	052*	1000 сўм	005594	083*	5000 сўм
001493	039*	500 сўм	005807	023*	100 сўм
001513	058*	5000 сўм	006077	036*	5000 сўм
001569	034*	100 сўм	006105	022*	1000 сўм
001590	081*	100 сўм	006167	1—100	50 сўм
001672	1—100	50 сўм	006197	088*	500 сўм
001725	070*	500 сўм	006214	1—100	50 сўм
001760	054*	100 сўм	006215	017*	100 сўм
001793	088*	100000 сўм	006226	021*	50000 сўм
1794	034*	1000 сўм	006251	035*	50000 сўм
001839	056*	1000 сўм	006301	085*	1000 сўм
001846	012*	50000 сўм	006330	1—100	25 сўм
001854	089*	2500 сўм	006356	1—100	50 сўм
001856	095*	25000 сўм	006373	060*	100 сўм
001876	069*	1000 сўм	006417	075*	500 сўм
001948	065*	500 сўм	006418	097*	5000 сўм
001950	001*	1000 сўм	006512	039*	500 сўм
001962	030*	50000 сўм	006581	1—100	50 сўм
002035	083*	100000 сўм	006625	047*	500 сўм
002060	045*	500000 сўм	006648	095*	10000 сўм
002069	043*	2500 сўм	006663	076*	100 сўм
002086	087*	100 сўм	006707	029*	5000 сўм
002087	001*	2500 сўм	006733	063*	100 сўм
002099	032*	50000 сўм	006759	1—100	25 сўм
002133	099*	5000 сўм	006762	079*	25000 сўм
002137	071*	100 сўм	006769	091*	100 сўм
002138	1—100	50 сўм	006773	030*	2500 сўм
002165	054*	2500 сўм	007014	030*	10000 сўм
002190	004*	5000 сўм	007039	046*	25000 сўм
002239	1—100	50 сўм	007143	092*	25000 сўм
002252	021*	100000 сўм	007150	1—100	50 сўм
002268	077*	100000 сўм	007182	060*	5000 сўм
002273	082*	25000 сўм	007189	054	50000 сўм
002280	1—100	50 сўм	007217	002*	10000 сўм
002537	0055*	100000 сўм	007228	043*	10000 сўм
002682	1—100	50 сўм	007323	049*	5000 сўм
002721	002*	5000 сўм	007399	002*	10000 сўм
002742	1—100	50 сўм	007432	049*	500 сўм
002772	084	25000 сўм	007455	054*	25000 сўм
002864	1—100	50 сўм	007462	094*	10000 сўм
002882	022*	100 сўм	007518	1—100	25 сўм
002901	050*	2500 сўм	007571	054*	10000 сўм
002928	011*	25000 сўм	007577	075*	25000 сўм
002970	065	500 сўм	007611	058*	25000 сўм
003032	017*	2500 сўм	007652	090*	50000 сўм
003074	008*	50000 сўм	007726	007*	3000000 сўм
003086	082*	10000 сўм	007809	074*	2500 сўм
003221	030*	10000 сўм	007825	089*	50000 сўм
003228	085*	2500 сўм	007858	023*	500000 сўм
003345	067*	50000 сўм	007859	050*	100 сўм
003378	063*	50000 сўм	007932	001*	100000 сўм
003414	080*	100000 сўм	008013	046*	10000 сўм
003415	029*	100000 сўм	008022	1—100	50 сўм
003454	073*	10000 сўм	008089	1—100	50 сўм
003465	051*	1000 сўм	008117	016*	1000 сўм
003469	093*	5000 сўм	008168	016*	25000 сўм
003487	1—100	50 сўм	008182	098*	500 сўм
003503	1—100	25 сўм	008216	054*	25000 сўм
003573	081*	1000000 сўм	008267	022*	500 сўм
003601	059*	500 сўм	008273	071*	500 сўм
003640	006*	5000 сўм	008301	090*	100 сўм
003641	045*	2500 сўм	008317	1—100	50 сўм
003751	032*	10000 сўм	008367	070*	500 сўм
003766	036*	1000 сўм	008425	044*	5000 сўм
003790	1—100	50 сўм	008457	054*	5000 сўм
003833	033*	25000 сўм	008546	005*	500 сўм
003834	055*	1000 сўм	008593	098*	50000 сўм
003838	1—100	25 сўм	008618	067*	5000 сўм
003855	058*	500 сўм	008689	086*	1000 сўм

003889	062*	5000	сўм	008723	025*	25000	сўм
003912	005*	25000	сўм	008780	1—100	50	сўм
003932	1—100	25	сўм	008782	076*	100000	сўм
003965	086*	25000	сўм	008786	075*	50000	сўм
003975	085*	2500	сўм	008797	079*	500	сўм
003980	059*	500	сўм	008831	1—100	25	сўм
003995	1—100	25	сўм	008913	044*	25000	сўм
004083	1—100	50	сўм	008972	051*	100	сўм
004113	043*	1000	сўм	009004	1—100	50	сўм
004164	089*	10000	сўм	009052	1—100	50	сўм
004225	047*	1000	сўм	009066	057*	50000	сўм
004253	027*	50000	сўм	009110	039*	100	сўм
004288	004*	500	сўм	009170	070*	2500	сўм
004301	048*	10000	сўм	009237	1—100	25	сўм
004339	1—100	50	сўм	009477	059*	50000	сўм
004385	1—100	50	сўм	009547	015*	25000	сўм
004405	020*	5000	сўм	009567	049*	100000	сўм
004467	096*	10000	сўм	009697	018*	50000	сўм
004519	094*	5000	сўм	009722	070*	100000	сўм
004571	023*	5000	сўм	009791	037*	2500	сўм
004579	027*	10000	сўм	009815	1—100	50	сўм
004594	022*	10000	сўм	009849	008*	1000	сўм
004716	097*	2500	сўм				

."] Шу сериянинг қолган 99 рақамига 25 сүмдан ютуқ чиқди.

1000 сүмгача ва 1000 сүм миқдоридаги ютуқлар иккى ва ундан күп ходими бўлган жамгарма банкининг аъмоллар бўлимлари ва жамгарма банки мусассасаларида тўланади.

10000 сўмдан юқори ютуқлар потеря читталари Ўзбекистон Республика жамғармалар банки томонидан текширилгандан кейин тўланади.

1.0 млн. сүмлик ва 3.0 млн. сүмлик ютуқларнинг эгалари енгил автомобиль сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

30 июнгача [30 июнь ҳам киради] қабул қилинади. Ушбу мұддатдан кейин потерек чипталари ўз күчини йўқотади ва ютуғни тўлашга қабул қилинмайди.

Тираж комиссиясининг раиси — Узбекистон Республикаси «НАВРУЗ» хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари

К. Ш. ШОДИЕВ.

Тираж комиссиясининг масъул котиби —
Ўзбекистон Республика жамғарма банки-
нинг қарзлар бериш бошқармаси бошли-
ғи

А. М. ХАЙДАРОВ.

Хаммага маълумки Наврӯз куни «НАВРҮЗ» хайрия жамғармасининг «НАВРҮЗ» хайрия лотереяси ўйналди. Унинг ютуқлар нусхаси жадвали газетларда чоп этилди. Уни қайта босиш ҳақида «НАВРҮЗ» хайрия жамғармасига, жумладан «Оила ва жамият» таҳририига ҳам тинимиз қўнгироклар бўяляти. Сабаби — нашарларнинг нусхаси камлиги боис кўпингина лотерея соҳиблари ҳозиргача омадларини синаб кўришига имкон топшиша олмагалилар. Шу боис биз «НАВРҮЗ» хайрия лотереясининг ютуқлар тиражи жадвалини беришга карор қадидик.



107

• СОДДА ЧАРХИЙ •

Кўқонлик шоир Чархий жудаям содда, камтар ва ниҳоятда нозик, кичик жуссали киши эди. Гафур Гулом, Ҳабибий домла, Собир Абдулла каби улуг шоирлар Фарғонага келса сўхбати ширин Чархийни албатта топдирб келишади. Бир галги сафарида Чимёндами ёки Водилдами, машҳур бир колхоз боғида шоирлар дам олишибди, ичкилик ҳам сероб бўлган экан, ҳаммалари боғда ухлайдиган бўлишибди.

— Мен Чархий домла билан бирга ётаман,— дебди қувлик қилиб Гафур Гулом ва каравотини Чархийга ёнма-ён қўйибди.


— Йўқ, икки эркакнинг ёнма-ён

ётиши нокулай, Гафуржон, бошқабошқа ётайлик,— деб астойдил ялинибди Чархий.

Гафур Гулом эса бирга ётамиз, деб қаттиқ турб олибди.

Гафур Гулом ичган экан, каравотга ётибди-ю донг қотиб ухлаб келишибди. Ундан келаётган аракнинг бадбўй исигами ёки эрталаб турб бирор қув гап қилишидан чўчимби, Чархий домла алоҳида ётмоқчи бўлибди ва ўзини каравотини нарирон суруб кўя колиш ўрнига Гафур Гулом ётган зил-замбидай каравотни сурман, деб тонг оттирибди...

Малик БОЙ МУҲАММАД



— БИТТА «ҚОРА КЎЗИМ»ДАНАМ БЎСИ-И-М...

Муалиф: А. АБДУРАҲМОНОВ

ТЕГИРМОН ТУЮҚЛАРИ

ЭШМАТНИНГ ХОТИНИДАН
ҲАСРАТИ

— Яхши эди, тақса пилик сочиға,
Сочи кессан, деби: «Кетдик, Сочиға!..»
Кайтойк изга ҳафтада бозор кезиб,
Ким чидарди бунча пул «сошиб-сошиб».

ШАРИФ ШИЛҚИМНИНГ
ҲИҚОЯСИ

— Учрашувлага аста борсам эрталаб.
Сўрмай аҳвол, ер тутди эрта лаб.
«Тун бўйи ёнсан гўзлаллар ишқида,
Эрталабдан барча жонон эр талаб...»

Абдумалик ИСОМИДДИНОВ

Бош мұхаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОЙ

ТАҲРИР ҲАЙЬАТИ:

Құлман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадаҳон ЕҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ, Мұхаббат ИБОДОВА, Юсуф ЗИЁД [бош мұхаррир ўринбосари], Ботир ЭРНАЗАР [масъул котиб]

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Кувондиқ БЕРДИЕРОВ, Рўзимат САФОЕВ, Абсолом УСАНОВ, Үрол ҮЗБЕК, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Абдумуталиб РИЗОКОУЛОВ.

Муҳаммад БАҲОДИР

* * *

Менга 1953 йилда совға қўлинган матасе-кимини эгизак болали қўйга алмаштироқчиман. Матасекилга иккита гилдирак билан битта мотор қўйилса, шамолдек учадиган бўла-ди. Жинқўчалик Тоживой трактир.

* * *

Эртадан бошлаб маҳалладаги тўйларда ароқ қўйши ўйқ қўлинади. Ташқаридан ишиб келган-лар ҳам жим ўтиришга мажбурдир.

Махала оқсоколи

А. Б. БЕК

ТТТ ДЕВОРИДАГИ ЭЪЛОНЛАР

Хурматли қишлоғимиз эркаклари! Биз сиз-дарнинг талабларигизни инобатга олиб, қишлоғимиз марказига спиртли ичимликлар дўко-нини қўриб битказдик. Энди бу дўконча хотин-ларингизнинг аризасига биноан қурилаётган «Хушёрхона» битгач, ишга туширилади. Қишлоқ шўроси.

Муҳаммад БАҲОДИР

* * *

Менга 1953 йилда совға қўлинган матасе-кимини эгизак болали қўйга алмаштироқчиман. Матасекилга иккита гилдирак билан битта мотор қўйилса, шамолдек учадиган бўла-ди. Жинқўчалик Тоживой трактир.

* * *

Эртадан бошлаб маҳалладаги тўйларда ароқ қўйши ўйқ қўлинади. Ташқаридан ишиб келган-лар ҳам жим ўтиришга мажбурдир.

Махала оқсоколи

А. Б. БЕК



Учувчи кабинасига террор-чи кириб деди:

— Амрикога ҳайда! Йўқ-са, ҳамманги отиб ташлайман!

Учувчи хотиржам жавоб берди:

— Биз Покистонга учамиз.
— Нима учун энди, Покистонга?!?

— Буни, ҳув авави учинчи қаторда динамит тўла қоп билан ўтиреан бойбидан сўра.

* * *

Эр хотинига деди:

— Азизам, сен ҳозир севинчдан ўйқилиб тушасан— сенга шундай совға тайёлрадимики...

— Канақа совға? Тезроқ айтаклонинг!

— Мен ўти хавфли янги вирусни-кашф қилдим. Но-мининг абадийлаштириш мақсадиди унга сенинг исминенинг қўйдими.

* * *

Петя, сен катта бўлганинда ким бўлмоқчисан?

— Аскар!

— Майлику-я, лекин сенин жандага ўлуриб қўйшилари мумкин-да.

— Ким?

— Душманлар.

— Үнда... унда мен яхшиси душман билмадам.

* * *

Парашиот очилмай қолган солдат визиллаганича тушис кетаётган эди, қандайdir обам кети тутаганича у томонга ушиб келаётганини кўриб қолди.

* * *

Хотинингизнинг асаб-каслига учрагани албатта, қўнгиласиз воеа, лекин сиз хавотир олманс, у шу ҳолда ҳам юз ўйлайашни мумкин.

— Мен-чи...

— Чинордек бақувватсиз, отахон. Нақ тўқсон ўйлайасиз.

— Аллақачон тўқсонга кирганиман, болам.

— Ана, айтмадимми...

Гўпловчи: Равшан ТОЖИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Намойишлар хиёбони, 1-бино.
Телефон: 39-43-95.

Обуна индекси 64654. Рўйхатга олиш № 000080. Буюртма № Г-141. 46.898 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди, формати А-3, ҳажми 2, босма табоқ.

1 2 3 4 5 6